

**2025/2026 ўқув йилига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги Академияси кундузги таълим бакалавриатига
номзодларни танлаш ва ўқишга қабул қилишда
ЎТИШ БАЛЛАРИ**

Т/р	Худудий бўлинма		Ўтиш баллари
1.	Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ		56,75
2.	Андижон вилояти ИИБ		64,0
3.	Бухоро вилояти ИИБ		63,0
4.	Жиззах вилояти ИИБ		60,75
5.	Қашқадарё вилояти ИИБ		64,75
6.	Навоий вилояти ИИБ		62,25
7.	Наманган вилояти ИИБ		63,25
8.	Самарқанд вилояти ИИБ		58,0
9.	Сирдарё вилояти ИИБ		64,25
10.	Сурхондарё вилояти ИИБ		64,25
11.	Тошкент шаҳар ИИББ		52,0
12.	Тошкент вилояти ИИББ		55,0
13.	Фарғона вилояти ИИБ		56,75
14.	Хоразм вилояти ИИБ		62,5
15.	Номзод қизлар		56,5
16.	Бошқа фуқаролар	ўғил болалар	66,25
		қизлар	75,0
17.	Рақамли технологиялар соҳасида жиноятларга қарши курашиш фаолияти таълим йўналиши		44,0
18.	Эксперт-криминалистика фаолияти таълим йўналиши		52,5

Изоҳ:

2025/2026 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси кундузги таълим бакалавриатига номзодларни ўқишга қабул қилиш таълим йўналишларига ажратилмаган ҳолда амалга оширилди (РТСЖҚКФ ва ЭКФ йўналишлари бундан мустасно).

* – “**Рақамли технологиялар соҳасида жиноятларга қарши курашиш фаолияти**” ва “**Эксперт-криминалистика фаолияти**” таълим йўналишларига ҳужжатларини расмийлаштирган номзодлар учун танлов ажратилган квоталар доирасида **республика миқёсида амалга оширилди**. Бунда танловдан муваффақиятли ўтган Вазирлик академик лицейлари, ҳарбий академик лицейлар битирувчилари, ички ишлар органлари ходимлари ҳудудлар кесимида ажратилган қабул квоталари, бошқа таълим муассасалари битирувчилари фуқаролар учун ажратилган қабул квоталари, қиз болалар эса қизлар учун ажратилган қабул квоталари доирасида ўқишга қабул қилинди.

Тегишли вазирлик ва идораларнинг тавсияномасига эга номзодларга ажратилган қабул ўринлари учун ўтиш баллари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 26 февралдаги ПҚ-4212-сон қарорига асосан **ички ишлар органларининг** амалдаги ходимларининг тавсиянома берилган фарзандларини ажратилган **беш фоизли квоталар** доирасида Академияга қабул қилишда ўринлар **махсус касбий танлов натижалари бўйича** тўпланган баллардан келиб чиқиб кетма-кетлик тартибида тақсимланди.

Мазкур номзодларнинг махсус касбий танлов натижаларига кўра, ўтиш бали **60,0 бални** ташкил этди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3726-сон қарорига асосан **Қуролли Кучлар** таркибига кирувчи вазирлик ва идораларнинг **ҳарбий хизматчиларнинг** тавсиянома берилган фарзандларини ажратилган **беш фоизли квоталар** доирасида Академияга қабул қилишда ўринлар **махсус касбий танлов натижалари бўйича** тўпланган баллардан келиб чиқиб кетма-кетлик тартибида тақсимланди.

Ҳарбий хизматчи (ходим)ларнинг тавсиянома берилган фарзандларининг ўтиш баллари тегишлилигига кўра қуйидагиларни ташкил этди:

- Мудофаа вазирлиги – ўтиш бали **45,0 балл**;
- Ички ишлар вазирлиги – ўтиш бали **52,0 балл**;
- Фавқулодда вазиятлар вазирлиги – ўтиш бали **55,0 балл**;
- Давлат хавфсизлик хизмати – ўтиш бали **70,0 балл**;
- Ўзбекистон Республикаси Электрон технологияларни ривожлантириш маркази – ўтиш бали **50,0 балл**;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3726-сон қарорига асосан **Миллий гвардия** ҳарбийлари ва ходимларининг тавсиянома берилган фарзандларини ажратилган **икки фоизли квоталар** доирасида Академияга қабул қилишда ўринлар **махсус касбий танлов натижалари бўйича** тўпланган баллардан келиб чиқиб кетма-кетлик тартибида тақсимланди.

Мазкур номзодларнинг махсус касбий танлов натижаларига кўра, ўтиш бали **45,0 бални** ташкил этди.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органларининг хотин-қизлар масалалари бўйича бўлинмалари ҳузуридаги “Тўмарис издошлари” жамоавий гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 19 январдаги 21-сон қарорига асосан **“Тўмарис издошлари”** жамоавий гуруҳлари аъзолари (тавсиянома асосида) ажратилган **икки фоизли квоталар** доирасида Академияга қабул қилишда ўринлар **махсус касбий танлов натижалари бўйича** тўпланган баллардан келиб чиқиб кетма-кетлик тартибида тақсимланди.

Мазкур номзодларнинг махсус касбий танлов натижаларига кўра, ўтиш бали **47,0 бални** ташкил этди.

ЭСЛАТМА:

Ўтиш бали ва ундан юқори балл тўплаган номзодлар ўқишга қабул қилинган ҳисобланади. Улар қачон ва қандай тартибда ИИВ Академиясига етиб келишлари жамловчи ички ишлар органлари орқали етказилади.